



Тасвир

ЎЗБЕКИСТОН ССЖ ИИВ ҲАЙЪАТИ НАШРИ

● 36—37 (2300—2301)

● 1991 ЙИЛ 11 АПРЕЛЬ

● ПАЙШАНБА

● БАҲОСИ 20 ТИЙИН

12 АПРЕЛЬ—КОСМОНАВТИКА КУНИ

БИРИНЧИ ПАРВОЗГА 30 ЙИЛ БЎЛДИ



Олам ақл-заковати ҳисобланмиш одам яралибдики, коинот деган сўзнинг маъносини тўла идрок этишни, фазо тилсимотларидан воқиф бўлишни орзу қилади. Ана шу кўҳна орзу ниҳоят бизнинг асримизга келиб бир мунча ушалди. Бизнинг — Советлар мамлакатининг вакили Юрий Гагарин жаҳонда биринчи бўлиб, фазога парвоз қилди ва инсонга хос жасурликни, зукотликни, матонатни намойиш этди.

Шуниси қувончлики, коинотни ўзлаштиришга, шу аснода тафаккуримиз чекичегарасини янада кенгайтиришга бизнинг юртдошимиз Владимир Жонбеков ҳам ҳисса қўшди. Унинг коинот қўйнига қилган сафари хайрли интиҳосига етган кун ўзбеклар диёрида чинакам

байрам тусини олди, десак муболага бўлмайди.

Яна бир нарса тараққий-парвар инсониятга мансуб кишилар қўнғлига қувонч ва фахр туйғуларини бахш этди. Фазо илмини ўзлаштиришга журъат этган олимлар ўзларининг қайси давлат ҳудудида яшашларидан, насл-насаб ҳамда маслакларидан, қайси тузумга мансуб эканликларидан қатъий назар ягона мақсад атрофида бирлашдилар. Совет-Америка, Совет-Франция, Совет-Волгария, Совет-Куба, Совет-Ҳиндистон учувчи-космонавтларининг биргаликдаги парвозлари бунга яққол

далил бўла олади. Улар касб маҳорати ва билимларини бирлаштирган ҳолда фазо сирларини, тилсимотини очиб йўлида дадил қадам қўйдилар.

Суратларга бир назар ташланг. Ўзномамиз мусаввири Пётр Шатрашанов чизган расмда коинотга интилган инсон заковати тасвирланган.

Суратқашимиз Ҳабибулла Шодиев олган суратда эса ҳамюртимиз фазогир В. Жонбеков 1985 йили Тошкентда бўлган чоғида болалар даврасида эканлиги акс этган.

СССР ДАВЛАТ БАНКИДА

Ю. А. Гагарин фазога парвоз қилганлигининг 30 йиллигига бағишланган хотира тангасини муомалага чиқариш тўғрисида

1991 йил 9 апрелдан бошлаб Ю. А. Гагарин фазога парвоз қилганлигининг 30 йиллигига бағишланган кумушдан ишланган 3 сўмлик хотира тангаси муомалага чиқарилади.

Доира шаклидаги бу танганинг диаметри 39 миллиметр (унинг таркибидеги қимматбахо металлнинг соф вазни 31,1 грамм, қотишма пробаси 900).

Танганинг олд ва орқа томонларида айлана бўйлаб бўрттиқ ҳошияси бор.


Танганинг олд томонидаги юқори қисмида СССР Давлат нишони туширилган бўлиб, унинг остида «СССР» ёзуви бор, қуйи қисмида эса икки сатр қилиб танганинг қимматини билдирувчи «3 сўм» сўзлари ёзилган ва унинг остида танга зарб этилган йил — «1991» рақамлари туширилган. Танганинг қуйи каржи

да сўл ва ўнг томонларда узик-узик чизик бўлиб, уларнинг остида металлнинг Д. И. Менделеев кимёвий моддалар даврий системасидаги белгиси, қимматбахо металлнинг соф вазни, қотишма пробаси ва зарбхона белгиси бор.

Танганинг орқа томонида Юрий Гагариннинг Москвадаги ҳайкали юлдузли осмон фониде бўрттириб тасвирланган, ундан юқорироқда айлана бўйлаб «Инсоннинг фазога биринчи парвозининг 30 йиллиги» ёзуви, қуйи қисмида ёдгорлик тасвирининг ўнги ва сўлида «1961», «1991» саналари қўйилган ва ёзув ҳамда саналарни ажратиб турувчи иккита нуқта бор;

Тангалар «Пруф» сифати билан 35000 донна нусхада зарб қилинган ва СССРда ҳамда чет элда коллекция нархида сотиш учун мўлжалланган.

Чиқарилаётган тангалар ҳеч қандай чеклашларсиз ҳар қандай тўловлар учун унда кўрсатилган қиймати бўйича қабул қилиниши шарт.



ҲОДИСА ТАФСИЛОТИ БИЛАН ТАНИШИНГ

ҚОЧОҚ ТУЗОҚҚА ТУШДИ

Ўзномамизнинг 4 апрель сониде шу йил 5 январь кун Тошкент шаҳридаги тергов қамоқхонасидан қочган беш нафар айбланувчининг тўртинчиси — Асатулло Султонов қўлга тушганлиги ҳақида хабар қилган эдик.

Хўш, Асатулло уч ой давомида қай аҳволда кун кечирди ва умуман нимага эришмоқчи бўлди. Балки маълум вақтдан сўнг иш босди-босди бўлиб кетади деб ўйлагандир. Эҳтимол қидирувдаги одамлар ҳеч қачон милиция эътиборидан четда қолмаслигини билмагандир. Ҳар нима бўлганда ҳам у тубанлик ботқоғига ботганди. Қочқинликдаги кечган ҳаёти эса мисоли ит ётиш, мирза туриш бўлди. Чунки тунаш жойи биноларнинг заҳ босган ер бўлган эди. Юрагида доимо гулгула, гўёки бир чўчиб, ички қараган чумчуқ сингари.

Лекин шунда ҳам шаҳоний нафсини эсдан чиқармади. У кечалари Р. исмли аёлининг уйига яширишга келиб кетарди. Жазман бўлмиш бу қувон ҳам ор-ному-

сини унутиб юборган беҳаёллардан эди. Асатулло бу ташрифларни жуда усталлик билан амалга оширар, уйга кириш олдида эса атрофни обдон кузатиб, хавф йўқлигига ишонч ҳосил қилгач, ичкарига кирарди.

1 апрель кун қотилликда айбланаётган, бутуниттифоқ қидирувидаги Асатулло Султонов ҳақида маълумот олинди. Лекин ўша кун Бектемир тумани ИИБ бошлигининг ўринбосари милиция катта лейтенанти Рустамжон Носиров бошлиқ гуруҳ пистирмадаги тунни беҳуда ўтказдилар. Аммо қачондир шу ерга келиши аниқ эди.

Учинчи апрелга ўтар кечаси туман ички ишлар бўлими бошлиғи милиция майори Нурмат Тожибоев бошчилик қилган гуруҳ ходимлари тадбирни давом эттирдилар. Натига эса кутилгандек бўлиб чиқди.

Белгиланган режага мувофиқ қидирилаётган шахс келиши кутилатган хонадон ичкарида милиция сержанти Мелибой Бўронбоев ҳамда милиция кичик сержанти

Ғофур Бадаловлар яшириб олдилар. Туман ИИБ жиноят қидирув бўлими бошлиғи милиция капитани Қахрамон Ражабов, оператив ходим милиция капитани Анвар Остонов ва милиция сержанти Виктор Кубатинлар эса бошқа вазифани бажардилар. Вазиятни эса бевосита Н. Тожибоев назорат қилиб борди.

Соат миллари учга яқинлашиб қолганда эшик тақиллади. Хонадон соҳибаси Р. нинг «Ким?» деган саволига жавоб бўлмади. Бу Асатуллонинг иккинчи шахс орқали кўрсатаётган найранги бўлиб, мақсад уйда ҳеч ким йўқлигига ишонч ҳосил қилиш эди. Яна ўртага сукунат чўкди. Тахминан 20 минутлардан кейин эшик иккинчи марта тақиллади. Бу сафар ички кишигина тушундириган шартли товушни эшитган Р. эшини очди.

Хира ёритилган уй йўлида милиция ходимлари кутаётган Асатулло кўринди. У бир нимани сезгандек тез-тез хоналарни кўздан кечира бошлади. Буни эшдан

кузатиб турган милиция сержанти Ғофур Бадалов ихчам рация орқали ташқарида шай турган ходимларга келишилган сигнални узатди. Кейин пайт пойлаб турган Мелибой Бўронбоев билан Асатуллога пешвоз чиқиб, таслим бўлишни айтди. Бундай вазиятга қачонлардир тушиб қолишни кутиб юрган бу хавфли шахс зудлик билан чўнтагидан пичоқ чиқариб, милиция кичик сержанти Ғофур Бадаловга ташланди. Милиция сержанти Мелибой Бўронбоев эса шу сонияни ўзиде тўплончадан огоҳлантирувчи ўқ узди. Лекин Асатуллонинг кўзлари ваҳшиёна тус олиб ҳамлани давом эттирарди. Кейинги отилган ўқдан эса у мувозанатини йўқотиб йиқилди. Бу вақтда қўлга олиш гуруҳининг ҳамма аъзолари етиб келган эдилар.

Ярадорга зудлик билан тиббий ёрдам кўрсатилиб, тегишли муассасага жўнатилди.

Исмонд МИНАВВАРОВ,
«Постда» мухбири.

БАЙНАЛМИЛАЛЧИЛАР ЙИҒИЛИШАДИ

ССЖИ ИИВ байналмилалчи жангчилар бирлашмалари ташаббуси билан Афғонистон туپроғида байналмилал бурчинини ўтаган ички ишлар идоралари ходимларининг шу йил 15 апрель кун Минск шаҳрида ўтказиладиган II анжуманини қўлаб-қувватлади.

Анжумандан кўзда тутилган мақсад — шунчаки жанговар хотиралар билан ўртоқлашишдангина иборат эмас. Бўлажак мусоҳабаларда жангоҳларда тобланган ходимлар ўртасидаги ишни ташкил этиш йўллари муҳокама этилади ва ишлаб чиқилади, шунингдек, ички ишлар идоралари фаолияти самарасини оширишда улар иштирокини белгилаш кўзда тутилмоқда.

Жумҳурият ички ишлар идораларинда хизмат қилаётган 15 нафар «афғончи» юзлаб қуролдошлари номидан мазкур анжуманда иштирок этадилар. Улар орасида сурхондарёлик Р. Баширов, тошкентлик Т. Жамолов, бухоролик М. Муҳсимов, фарғоналик А. Турсуновлар бор.

Тоҳир ИРИСОВ,
ички хизмат майори.

ДЎСТ АЧИТИБ ГАПИРАДИ

ХАТЛАРНИ УЎҚИБ

Рўзнамамизнинг 5 март кунги сонида Фарғона вилояти Киров тумани ИИБ терговчиси, милиция капитани Анваржон Рўзиматовнинг «Фикр асосли бўлсин» номли мақоласини эълон қилган эдик. Ана шу мақолада кўтаришган муаммо юзасидан турли мулоҳазалар битилган мактублар олаётимиз. Бу бир томондан қувончли, нега деганда рўзнама ихлосмандлари кўпчилиги диққат-этиборини мавзуга қаратишнинг ўзи катта гап.

Лекин, шуниси ҳам борки, баъзи мухлисларимиз мақолада айтилган фикрларни тўла-тўқис қўллаб-қувватлайдилар, баъзи ўртоқлар эса рад этишади. Биз қуйида ана шундай мактубларнинг айримлари билан таништиришга жазм этдик. Тўғри ҳулосани чиқариб олиш яна ўзларингизга ҳавола.

Дастлабки хатни фаол жамоатчи мухбиримиз, меҳнат кексаси Маҳкам ака Ҳакимовдан олдик. У киши «Фикр асосли бўлсин» мақоласи муаллифи фикрларини қатъиян нотўғри деб ҳисоблайди. Милиция ходимлари орасида қалондимоғ, ўзгаларни менсимайдиган шахслар борлигини ва ҳатто улар кўпчилик эканлигини алоҳида таъкидлайди. Кейин кўча-қуйда ўзи гувоҳ бўлган воқеаларни ҳикоя қилади.

«Менимча, халқнинг ҳуқуқ-тартибот ҳимоячиларини ёмон кўришларига сабаб матбуотнинг билиб-билмай аралашуви эмас, балки суд, прокуратура, ички ишлар ходимларининг айримлари сабабчи.

Утган йили Самарқанд автобекатида тургандим. Бир милиция ходими (унвони старшина бўлса керак, аниқ эслолмайман) йўловчиларнинг чипталарини текшираётган назоратчилардан бирига ўшқира кетди.

— Кеча сенга ўхшаганлардан биттаси хотинимга чиптангиз йўқ, жарима тўлайсиз, деб тикилинч қилибди. Эрим милицияда ишлайди, айтиб хафа қилдираман, деса ҳам парво қилмабди. Сенлар ҳам одамга қараб гаплашларинг. Йўқса, киссанга наша солиб қўяманда, камида уч йилга қаматиб юбораман...

Узингиз айтингчи, Анваржон, шундай кимсаларни ким яхши кўради, ким дилини очиб улардан маслаҳат сўрайди?»

Худди шунингдек, Куйбишев туманидаги «Янги Москва» кўчасидаги 2-уйда истиқомат қилувчи киши ҳам (исм-шарифини негадир ёзмаган) ҳамкасбаримизни ёқтирмаслигини баён қилган.

«...Милиция капитани Анваржон Рўзиматов кўтарган муаммога мен қўшила олмаман. Суд ходимларига нисбатан салбий муносабатимизга асос бор. Шахсан менинг ҳам уларни кўришга кўзим йўқ. Езаман десанг, гап

кўп. Лекин очик-ойдин ёзишга одам кўрқади...».

Энди учинчи мактуб мазмуни билан қисқача танишинг. Уни бизга Марғилон шаҳридаги Матросов кўчасида яшовчи Абдулхай Қутбидинов йўллаган. Назаримда, бу мактубда баҳсга анчамунча ҳолис муносабат сезилиб турибди.

«...Кейинги пайтларда ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари ва оддий халқ ўртасида анчагина беғоналик кучайиб бораётти. Негадир халқ милицияга ишончсизлик билан қараса, милиция халққа киришиб кетолмаяпти. «Фикр асосли бўлсин» номли мақола муаллифи айтмоқчи, бу борада баъзи журналистлар хизмати бор. Лекин муҳими бу эмас. Айрим ходимлар илгариги хизматдошларига нисбатан димоғдор.

Бизнинг ёбилигимизда милиция ходимлари ўзи ишлайдиган ҳудудлар аҳолиси билан яқин алоқада бўлишарди. Тезда кўпчиликка эл бўлиб олишарди. Энди эса турли маросимда уларни кўрмаймиз. Келишса ҳам негадир беғонасираб, алоҳида ўтиришади. Лекин бу ҳамма милиция ходимлари шунақа экан, деган гап эмас. Барча билан ана-укадек бўлиб кетган милиционерлар бехисоб.

Энди бир гапни айтмасам бўлмас. Формали киши эл назарига тез тушади. Кимдир қонун қўриқчиси бўлатуриб, қонунни оёқости қилиши мумкин. Бирники мингга, мингники туманга, дейишади. Формали одамнинг битта хатоси қўшиб-чатишлар ҳисоби га шов-шув бўлиб кетиши ҳеч гап эмас.

Айрим милиция ходимлари ёнидан салом бериб ўтсанг, алик олмайди. Наҳотки, эгнидаги форма саломаликка ҳалақит берса. Менимча, инсоннинг кўрки бўлган саломлашиш ҳам милиция ва халқ ўртасидаги беғоналик деворини олиб ташлашга хизмат қилади».

Қува туманидан Жумабой Ҳасанов, Ленинград туманидан Муқимжон Сулаймонов ўртоқлар ҳам шунга ўхшаш фикрларни илгари сурганлар.

Чиндан ҳам ҳамкасбаримиз орасида бу соҳага адашиб кириб қолган номуносиблар бор. Бизга мактуб йўллаган ихлосмандларимиз гапни тўғри, ана шундайлар касрига милиция номи булганаяпти. Ундай шахслардан халос бўлиш ҳар тарафлама фойдалидир.

Бу борада боя юқорнда исм-шарифи қаламга олинган Маҳкам ака Ҳакимов бизга яхши ёрдам кўрсатапти. Ана шундай қондабузар милиционерлар ҳақида шу пайтгача бир неча марта мақола ёзиб берди ва биз уларни пардозламай чоп этдик. Зеро дўст ачитиб гапиради, дейдилар.

Р. ҚОСИМОВ.



«ПОЙГА»ДА ЮТҚАЗИБ ҚЎЙДИ

Тошкент шаҳар ИИБ Давлат автомобиль назорияти бўлаги командирининг ўринбосари, милиция подполковниги Н. Удачин ва шу бўлакнинг 4-ротаси командири, милиция капитани А. Қўлневлар шаҳар кўчаларида хизмат вазибаларни ўташаётганди. Шу пайт уларнинг эътибори гавжум машиналар орасида бораётган «Москвич-412» белгили автомобильга тушди. Уни бошқараётган йигитча нимадандир безовталанаётган эди. Буни сезган Н. Удачин нотаниш автоҳаваскорга ҳаракатни тўхтатиш ҳақида ишора қилди. Бироқ шубҳали ҳайдовчи талвасага тушган ҳолда тезликни ошириб қоча бошлади. ДАН ходимлари эса эҳтиёт чораларини кўриб, машина изига тушдилар. Йўлакай чорраҳа ва ҳаракат серқатнов бўлган жойларда овоз кучайтиргич орқали атрофдагиларни ҳавфдон огоҳ қилиб бордилар. Қочоқ эса бир неча жойларда таъқиб

қилувчиларни чалғитиб, кўздан гойиб бўлишга уринди.

40 минутлар чамаси давом этган «пойга» Космонавтлар шоққўчаси яқинидаги чорраҳада барҳам топди.

Қарама-қарши йўналишдаги ҳаракат йўлагига чиқиб кетган безори ҳайдовчи ўз йўлида келаётган «Москвич» автомобиласи билан тўқнашув содир қилди. Айбдор ва унинг шериги шу заҳоти пачақланган машинани тарк этиб, жуфтани ростлашга уринишди. Амма милиция ходимларининг қаққон ҳаракати туфайли улар ниятларига эриша олишмади. Ҳодиса рўй берган жойдан сал нарида хизмат вазибаларини бажараётган ДАН ходимлари, милиция сержанти Бахтиёр Очилов ва милиция катта сержанти Пулат Мамаевлар ҳам зудлик билан командирларига ёрдамга етиб келдилар.

Ўзини 17-билим юртининг ўқувчиси Сергей Зай-


цев деб таништирган бу қонунбузар ҳали 18 ёшга ҳам тўлмаган. У бошқараётган М 5284 ТН рақамли автомашина эса отаси Борис Зайцевга тегишли экан. Ўзбошимча ўғил ҳужжатларсиз Ҳаким исмли дўсти билан шаҳар айлангани чиқишган экан. Шунчаки сайр қилиш мақсадида эмас, албатта.

Машина юкхонаси кўздан кечирилганда, ундан «ГАЗ-24» автомобиласининг баллонга, Сергейнинг чўнтагидан эса ўқотар қуролнинг 25 дона жанговар ўқи топилди. Фрунзе тумани ИИБдаги суҳбатда Сергей ўша баллонни назоратсиз турган «Волга»дан ўғирлаб олганлигини тан олди. Ўқларни эса қаердан олгани ва нима мақсадда ёнида сақлаб юрганлиги ҳозирда аниқланмоқда.

И. МИНАВВАРОВ.

СУРАТЛАРДА: 1) тўқнашув; 2) қўлга олинган «чавандозлар»; 3-4) ашёвий далиллар.

Муаллиф олган суратлар.



ҚОРА КУРСИНИНГ ХУМОРИ ТУТДИ

Юсуф бугун яна қора курсида ўтирибди. 33 баҳорни қаршилаётган бу кимса, 8 йил умрини қамоқхоналарда ўтказганди. 22 ёшида бир бечорага тан жароҳати етказиб, 4 йил озодликдан маҳрум этилган. Муддатини ўтаб бўлгач, кўп ўтмасдан гиёҳванд сифатида яна 3 йил «ўтириб» чиқди. Уз уйига етмасдан учинчи бор жиноят қилди ва РСФСР жиноят мажмуаси 206-моддасининг 2-қисми билан бир йилга мажбурий хизматга жўнатилди. Жазо муддати битгач, Урта Чирчиқ туманидаги Янги ҳаёт кўргонининг Вокзал кўчасидаги 6-уйга келиб яшай бошлади. Бирор ишга кирмасдан тўртинчи бор

жиноятга қўл урди.

Утган йил 25 октябрь кунини кечқурун Ю. Шабунув ичиб олди-да, ўғирликка чиқди. Бу сафар у Тўйтепа темир йўл станцияси юк саройини мўлжалга олди. Бир ўзи ҳеч нарса қилолмаслигини сезиб, йўлдан ўтаётган Марат Гафуров ва Раимжон Арақуловни ёрдамга чақирди. Кайф қилиб олган бу йигитлар ҳам дарров рози бўлдилар. Улар шу кунини умумий баҳоси 194 сўм 60 тиён турадиган 31 дона қувурларни ташиб кетдилар. Лекин эртаси кунини уларнинг чувини чиқди.

Суд томонидан Ю. Шабунув 5 йил муддатга ўзи учун

«қадрдон» жойга жўнатилди. Жазони қаттиқ режимли аҳоли қўлига тузатиш маҳнат колониясида ўташ белгиланиб, унга тегишли мол-мулк давлат фойдасига мусодара этилди.

Марат Гафуров ва Раимжон Арақуловнинг ҳар бири 4 йилдан озодликдан маҳрум этилди. Лекин вояга етмагани ҳисобга олиниб, уларга икки йилга синов берилди. Тўйтепа маккажўхори дони саралаш заводи маъмуриятига М. Гафуровни, Янги ҳаёт кўргони қошидаги 2-маҳалла қўмитасига эса Р. Арақуловни қайта тарбиялаш ва кузатиб туриш юклатилди.

М. ҲАКИМОВ.

КЎЗАСИ СИНГАН САЛИБАЙ

«ЗИЛ-130» белгили 79-12 ЧМН рақамли Салибай Айтбаев бошқариб бораётган машина Фишткўприк ДАН постиде

турган инспектор кўзига шубҳали туюлди.

Милиция старшинаси Н. Бегматов Салибайнинг машинасини

ни тўхтатиб кузовига кўтарилганда, тахлаб қўйилган 35 қоп унга кўзи тушди. Юк гайриқонуний тарзда олиб кетилаёт-

ганлигига ишонч ҳосил қилгач, машинани Тошкент тумани ИИБга олиб келди. Бу воқеа шу йилнинг 29 мартда содир бўлган эди.

30 март кунини туман ИИБ БХСС бўлимаси ходимлари ун қаердан ва қандай усулда Қозғистон ҳудудига олиб кетилаётганлиги билан қизиқдилар. Салибай Сирдарё вилоятидаги «Янгиер» давлат хўжалигига 8 тонна ҳашак ортиб борган. Қайтишда бироз пул ишлаш мақсадида Янгийўл туманидаги «Ленинизм» матлубот жамиятига қарашли 21-дўкон мудирни Аҳмаджон Йўлдошевдан кўтарасига 35 қоп унини савдоллашиб олди. Ҳар қопи

учун 16 сўм 80 тиённи ўрнига 20 сўмдан тўлади. Салибай бу унларини кўни-қўшнилари Сансизбай Қурбонов, Слабек Канакбаев, Носир Жакипбековларга 25 сўмдан сотишни гаплашиб қўйган эди. Сафарга кетаётганида улардан 20 та бўш қоп ва 500 сўм пул олиб кетганди. Қолган 15 қоп унини бошқа талабгорларга пулламоқчи эди.

Меҳнат қилмай пул ишлашга кўникиб қолган «Коммунизм» жамоа хўжалиги фуқароси, 1961 йилда тугилган дўкон мудирни Аҳмаджон Йўлдошев ҳам 107 сўм соф фойда олди ва ўз чўнтагига урди. Ҳозир кўзаси синганлар иш юзасидан текшириш давом этмоқда.

Ҳабиб ШУКУР,

Муаллиф олган суратлар.



ЎЗБЕКИСТОН ССР ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН ССРда АҲОЛИГА ЭНГ ЗАРУР МОЛЛАРНИ БЕЛГИЛАНГАН МИҚДОРДА СОТИШНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШНИ КУЧАЙТИРИШ ТЎҒРИСИДА

ЎЗБЕКИСТОН ССР Президенти ҳузурдаги Вазирлар Маҳкамасининг 1991 йил 6 мартдаги 59-сонли қарори билан бир қанча энг зарур молларни белгиланган миқдорда сотишнинг жорий этилиши жойларда аҳоли бундай молларни олашига кафолатли таъминлайди. Шу билан бир вақтда ҳудудлар ўртасидаги ҳўжалик алоқаларининг ҳамон ёмонлашаётгани ва бунинг оқибатида ишлаб чиқаришда юз берган таназул, шунингдек республика ҳукуматининг ишон, ун ва макарон чакана нархларини оширмаслик тўғрисида қарор қабул қилгани аҳоли асосий озиқ-овқат ва ашёвий моллар билан белгиланган миқдорда кафолатли таъминлигини назорат қилишни кучайтиришни тақозо этмоқда.

Шу мақсадда Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Ун, ёрма, ўсимлик ёғи, қанд-шакар бозор жамғармаларини Ўзбекбирлашув ва Ўзбекистон ССР Дон маҳсулотлари вазирлиги билан келишиб, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашига, вилоят ижроия

комитетларига ҳамда Тошкент шаҳар ижроия комитетига тақсимлаш вазифаси Ўзбекистон ССР Савдо вазирлиги зиммасига юклатилсин. Бу маҳсулотларнинг бозор жамғармалари ҳар кварталда навбатдаги квартал бошланишидан камийда 30 кун олдин маълум қилинади ва тасдиқланган ўн кунлик жадвалга қатъий амал қилиб бериледи.

2. Ўзбекистон ССР Дон маҳсулотлари вазирлигига Давлат савдоси ва матлубот кооперацияси корхоналарига ун ва ёрмани беришнинг ўзаро келишилган ўн кунлик жадвалга қатъий мувофиқ равишда истеъмолчиларни бундай маҳсулотлар билан ажратилган фондлардан ўз вақтида ва узлуксиз таъминлаб туриш юзасидан сира кечиктирмай чора-тадбирларни кўриш топширилсин.

3. Ўзбекистон ССР Савдо вазирлиги, Ўзбекбирлашув зиммасига «Ўзбекистон озиқ-овқат саноати», «Ўзбекистон мева-сабзавот ва виночилик саноати», «Ўзбекистон балиқчилик» концернлари, «Ўзрибпромсбит» бирлашмаси, Ўзбекистон ССР

Қишлоқ ҳўжалик вазирлиги билан биргаликда ажратилган жамғармаларга мувофиқ равишда молларнинг кўрсатилган турларини савдога етказиб беришнинг ўн кунлик меъёрини белгилаш вазифаси юклатилсин.

4. Ўзбекистон ССР Савдо вазирлиги, Ўзбекбирлашув аҳолини энг зарур моллар билан Ўзбекистон ССР Президенти ҳузурдаги Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон ССР аҳолига асосий озиқ-овқат ва ашёвий молларни сотишни барқарорлаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 1991 йил 6 мартдаги 59-сонли қарориди белгилаб қўйилган энг кам миқдордаги меъёردа кафолатли таъминлаш учун шошилиш чораларни кўрсин.

5. Қорақалпоғистон республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоят ижроия комитетлари, Тошкент шаҳар ижроия комитети асосий озиқ-овқат молларининг бозор жамғармаларини олганларидан кейин бир ҳафта муддатда биринчи навбатда мактабга-ча болалар муассасалари, касалхоналар, интернатлар,

гўдақлар уйлари, мактаб ошхоналари эҳтиёжларини таъминлашни ҳамда аҳолига бундай маҳсулотларни сотишнинг белгиланган меъёрини ҳисобга олиб уларни тақсимлаш ва савдо ташкилотларига етказишни амалга оширсинлар.

6. Аҳолини асосий озиқ-овқат ва ашёвий моллар билан кафолатли таъминлашни назорат қилиш учун республика штаби тузилсин. Республика штаби (ўртоқ У. Қ. Исмоилов)га;

молларнинг бир текис тақсимлигини, уларни улгуржи базалар ва омборлардан жўнатишга қатъий риоя қилишни назорат қилиб боришни таъминлашга доир ишларни ташкил этиш учун Вазирлар Маҳкамасининг вакилларини юбориш;

вакиллarga маҳаллий идораларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш, шу жумладан зарур бўлган ҳолларда шаҳарлар, районлар ва савдо системалари ўртасида молларни қайта тақсимлаш масалаларини ҳал қилиш ҳў-

қуқини бериш топширилсин. Жойларда вакилларнинг кўрсатмалари бажарилмаган тақдирда улар бу ҳақда шошилиш чоралар кўриш учун республика штаби раҳбари ўртоқ У. Қ. Исмоиловни хабардор қилишга мажбурдирлар.

7. Аҳолига энг зарур молларни сотишнинг белгиланган тартибига ҳамда уларни Вазирлар Маҳкамаси қарорига мувофиқ равишда сотишга риоя этилишини таъминлаш учун шахсий масъулият Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоят ижроия комитетлари, Тошкент шаҳар ижроия комитети, шунингдек, район ва шаҳар ижроия комитетлари раисларининг зиммасига юклатилсин.

8. Ўзбекистон ССР Давлат хавфсизлиги комитети, Ўзбекистон ССР Ички ишлар вазирлиги, Ўзбекистон ССР Халқ назорати комитети Вазирлар Маҳкамасининг ички бозорни ҳимоя қилишга қаратилган қарорлари бажарилишини қаттиқ назорат қилсинлар.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси

И. КАРИМОВ.



Ишон ҳаётда қувончли дамлар тез-тез бўлиб туради. Бундай бахтли кунлардан бири 16 ёшга тўлиб Совет фуқароси эканлигини билдирувчи ҳўжатини олишдир.

Урта Чирчиқ тумани ИИБнинг милиция капитани Ҳабибулла Худойберганов бошлиқ паспорт бўлимаси жамоеси фуқароларга паспорт бериш борасида яхши натижаларга эришилмоқда. Улар сидқиқидан меҳнат қилиш билан бирга фуқароларга паспорт топширишни тантанали ўтказишга ҳам эътиборни қаратмоқдалар.

СУРАТЛАРДА: 1. Ҳ. Худойберганов биринчи марта паспорт олаётган Дилдора Халиқовага фуқаролқ гувоҳномасини топширмоқда. 2. Паспортни йўқотган Илғиз Усмонов билан суҳбатда.

Ҳабибулла ШОДИЕВ олган сураглар.

ТАВБАСИГА ТАЯНМАГАН

Шу йил 3 февраль куни соат 23 да Қарши шаҳар ички ишлар бўлими ходимлари шаҳардаги «1000 хил майда-чуйда» дўкони қоровули А. Қурбоновни фуқароларга устама нархда спиртли ичимликлар сотаётганида қўлга олдилар. Бу кимса илгари ҳам бир неча марта

огоҳланганди. Лекин тавбасига таянмади.

Яқинда Қарши шаҳар халқ суди А. Қурбоновни ички ойлик аҳлоқ тузатиш ишларига жалб этди.

Н. УБАЙДУЛЛАЕВ, Қашқадарё вилояти ички ишлар бошқармаси ходими.

ҚОНУН МУҚАДДАС, НИЯТ ХОЛИС

АҲМАДЖОН ОДИЛОВНИНГ ҲИМОЯЧИСИ
РУСТАМ ЁДГОРОВ БИЛАН СУҲБАТ

— Рустам ака, сиз куни кеча Москвадан — СССР Олий судининг Аҳмаджон Одилов ва бошқаларнинг жиноят иши юзасидан бўлиб ўтган бошқарув мажлисидан қайтдингиз. Унда қандай масалалар кўрилди?

— Ҳимоя томон асосан ички масалани қўйди. Биринчидан, Аҳмаджон Одилов ҳозирги кунда қонунга хилоф равишда дунёдаги бирон бир мамлакатда рўй бермаган ҳамда бўлиши мумкин бўлмаган муддатда ҳибсда сақланаётгани таънидланди, унинг ёшини, саломатлигини ҳисобга олган ҳолда эҳтиёт чорасини ўзгартириш — тилхат орқали очикда қолдириш сўралди. Бу талаб СССР Олий суди жиноят ишлари бўйича судлов коллегияси томонидан рад этилди.

Иккинчи талабимиз — жиноят ишини ўзбек тилида олиб бориш учун Ўзбекистон ССРнинг хоҳлаган суида кўриш учун бериш талаб қилинди. Бу ҳам Москва томонидан қаноатлангандирилмади. Шу ўринда таъкидлаш лозимки, терговда қатнашган таржимонлар мутахассис бўлмади, ҳарбий қисм аскарлари ва рус тилини нари-бери билувчи оддий фуқаролардир. Бу таржима усулига эътирозлари мизини суд ҳайъати муҳокамасига албатта ҳавола қилдимиз. Суд СССР Олий судининг жиноят ишлари бўйича судлов коллегияси ажримига кўра апрель ойининг иккинчи ярмига белгиланган.

— «Литературная газета»нинг шу йил 16 январь

сониди тергов гуруҳининг раҳбари В. Свицерскийнинг муҳбир билан суҳбатида, тергов ҳаракатларини олиб бориш вақтида бизга кўпгина қийинчиликлар бўлди, деган фикр билдирилди. Бу қийинчиликлар нималардан иборат бўлиши мумкин?

— Билмадим, у қанақа қийинчиликни назарда тутган. Шунинг тўла ишонч билан айта оламанки, бизнинг маҳаллий раҳбарларимиз уларнинг тўлақонли ишлашлари учун барча имкониятларни яратиб бердилар. Меҳмонхоналар, алоҳида турар жойлар. Наманган таксопаркидан энгил машиналар улар ихтиёрига бериб қўйилди. Боз устига, уларга хизмат қилган машиналар учун 300 миң сўмдан ортиқ пул маҳаллий бюджет ҳисобидан тўланган. Бу қайси қонунда бор, бу кимнинг буйруғи? Хотамтойлик оқибатида етказилган зарарини ким қоплайди?

— Ўзбекистонда яшовчи фуқарони нима учун республикадан ташқарида суд қилинади?

— Бу савол билан Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг сессиясида депутатлар адлия вазирига ҳам мурожаат қилинди. Лекин Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг 1959 йил 21 майдаги сессиясида тасдиқланган Ўзбекистон Жиноят-процессуал кодекси талаблари ҳали ўз кучида. Ўзбекистон республикаси Жиноят кодексига депутатлар талабига мос ўзгартириш киритгани йўқ.

— Марказий матбуотда Ш. Рашидов билан А. Оди-

лов ҳамкорликдаги жиноятчилар деб кўп талқин этилди. Шу ҳақдаги фикрингиз?

— Рашидовни жиноятчиликда айблаганлар у ҳаётлигида тирик эдилар-ку, нега лом-мим демаганлар. Сабаб битта: улар унинг фаолиятдан хато топиша олмаган. Брежнев қилган хатолар, оммавий аҳборот воситаларида ёзилишича, Ш. Рашидовникидан миңг баравар кўп экан-ку, нега унинг мурдаси дафн этилган муқаддас Кремль деворлари остида ётибди, унинг хоқини, руҳини ҳеч ким безовта қилмади? Салла олиш деса, калла олиш — бизда... Энди бевоқиф саволингизга келсак, Шароф Рашидовга қонун йўли билан ҳеч қандай айб эълон қилинмаган. Демак, у жиноят содир этмаган.

— Судда ҳимоя оғир кечмасмикан?

— Жуда оғир кечади. 122 жылдан иборат жиноий иш материаллари, икки миңг варақдан ортиқ айблаган фикри, қолаверса суд мажлиси рус тилида олиб борилиб, таржимонлар воситачилик қилишларини ўйлаб кўринг-а. Эпизодларнинг кўпчилигини гапирмай кўл қолай. Суд бошлансин, ҳимоя томоннинг ҳам ўз режалари бор. Мақсадимиз оддий: ҳақиқатни ойдинлаштириш ва адолатни рўёбга чиқариш.

Суҳбатдош

Р. ИРИСОВ,

«Халқ сўзи» муҳбири.

(«Халқ сўзи» рўзномасининг 1991 йил 3 апрель сонидан).

ЎЗБЕКИСТОН ССР ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

КЕЛИН-КУЕВЛАРГА МЕБЕЛЬ, ГИЛАМ ВА ГИЛАМ ПОЁНДОЗЛАРНИ СОТИШНИНГ ИМТИЁЗЛИ ТАРТИБИ ТУҒРИСИДА

Республика аҳолисининг миллий хусусиятлари ва анъаналари муносабати билан келин ва кувёлларни чакана нархлар кескин ошган шароитда ижтимоий ҳимоя қилиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

Ўзбекистон ССР Президентининг ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг 1990 йил 27 ноябрдаги 370-сонли қарори 4-бандининг биринчи абзаци қисман ўзгартирилиб, 1991 йил 3 апрелдан бошлаб биринчи марта никоҳдан ўтган келин ва кувёлларга

битта гилам ёки гилам поёндоз, мамлакатимизда ишлаб чиқарилган битта мебель йиғмаси ёки мамлакатимизда ишлаб чиқарилган йиғмага ва гарнитурга кирмайдиган бошқа мебель буюмларини шартнома (эркин) нархларнинг бошқариладиган ёки белгилаб қўйилган нархларнинг 75 фоизини, лекин ҳар онлага кўпи билан 1500 сўм чегириб сотиш жорий этилсин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси
И. КАРИМОВ.

Вазирлар Маҳкамаси қарорига шарҳ

Маълумки, Иттифоқ ҳукумати 1990 йил 15 ноябрдан мебель гарнитурлари ва гиламларга шартнома нархларини жорий этганлиги муносабати билан Ўзбекистон ССР ҳукумати шартнома нархларини мазкур молларни келин-куёвлар сотиб олаётган тақдирда 40 фоиз, лекин ҳар онлага кўпи билан 800 сўм чегириб тўғрисида қарор қабул қилган эди.

Шу йил 2 апрелдан кучга кирган чакана нархлар ислоҳоти мебеланинг барча турлари, шу жумладан мебель гарнитурларига кирмайдиган турларининг, шунингдек гиламларнинг чакана нархини ошвириши кўзда тутлади. Республика ҳукумати қарор топган миллий анъаналарни ва ёш онлаларга мадад бе-

ришнинг катта ижтимоий аҳамиятини кўзда тутиб, ана шундай молларни харид қилиш чоғида уларнинг нархини чегириб миқдорини даярли икки баравар қўпайтириш имкониятини қидириб топди. Ушбу қарор билан берилган имтиёзлар учун ҳаражатлар салкам 50 миллион сўм миқдорига бўлади, деб баҳоланмоқда, бу эса ёш онлалар бюджетига салмоқли қўшимчадир.

Мазкур молларни биринчи марта никоҳдан ўтган шахсларга имтиёзли сотишнинг аниқ тартиби гражданик ҳолатини қайд этиш бўлимлари, халқ депутатлари қишлоқ (овул), посёлка Советларининг ижроия комитетлари томонидан икки ёки бир кишига имтиёзли нарх-

лар билан мебель, гилам ёки гилам поёндоз сотиб олиш ҳуқуқига справка берилишини кўзда тутлади. Бундай ашёларни сотиб олиш учун буюртмалар рўйхатга олинган кувдан бошлаб бир ой ичيدا расмийлаштирилиши керак. Савдо ташкилоти мазкур справка ва никоҳ гувоҳномасига асосланиб, мебель ва гиламни сотилаётган нархини 75 фоиз миқдорига, лекин икки кишига 1500 сўмдан ёки бир кишига 750 сўмдан ошмаган миқдорда чегириб сотади.

Магазинга мурожат қилинган пайтда зарур моллар бўлмаган тақдирда буюртма расмийлаштириб қўйилади. Мол келиши биланоқ магазин келин-куёвларга таклифнома юборади.

ССЖИ ИИВДА САНАТОРИЙЛАРГА ЙЎЛЛАНМАЛАР ТЎЛОВИ ВА ТАҚСИМЛАНИШИ ҚАНДАЙ?

Бизга, ЎзССРЖ ИИВ шахсий таркибини ижтимоий, ҳуқуқий муҳофаза қилиш ва тарбиялаш бошқармасига санаторий-курортларда даволаниш йўлланмалари таъминоти масаласида ходимларимиз хатлар, аризалар, суҳбатларда кўплаб мурожаат қилишади.

ИИВ тиббиёт бошқармаси бошлиғи ички хизмат подполковниги С. Толиповдан ва шу бошқарманинг катта врач-инспектори М. Мирҳамидовдан ички ишлар идоралари ходимларининг, ички қўшин ҳарбий хизматчиларининг, ИИВ фахрийлари ва оила аъзоларининг санаторий-курорт йўли билан давланишга боглиқ муаммоларни чуқурроқ ёритиб беришларини сўрадик.

— Суннат Толипович, илтимос, йўлланмаларни бериш тартиби билан таништирамангиз.

— Кўтарилган масала ССЖИ ИИВнинг 1984 йил 19 ноябрь 235-сонли буйруғи асосида назорат қилинади.

Бу буйруққа биноан ИИВ санаторийлари ва дам олиш уйларига йўлланмалар бериш тартиби қуйидагича:

— жумҳурият ва маҳаллий бюджетларда, вазирлик муассасалари ҳисобида турадиган ички ишларнинг оддий ва бошлиқлар таркибига, милиция, ёнгина қарши кураш, муассасалардан ташқари кўриқлаш бўлимлари ходимларига, уларнинг оила аъзоларига ўзлари ишлаётган ички ишлар идоралари қошидаги тиббиёт бўлимларидан;

— ИИВ фахрийлари ва уларнинг оила аъзоларига (нафақа белгиланган) ўзлари дахлдор тиббиёт бўлимларидан берилади;

ички ишлар идораларининг оддий ва бошлиқлар таркиби, ИИВ фахрийлари ва уларнинг оила аъзоларига бир йилда фақат битта имтиёзли йўлланма берилади. Яна битта йўлланмани тўла нархида олиш ҳуқуқига эгалар;

шунингдек, оддий ва бошлиқлар таркиби, ҳарбий хизматчилар ва ИИВ фахрийларининг оила аъзолари санаторий ва дам олиш уйларига имтиёзли йўлланма олиши мумкин. Бу тонфага эр-хотин, 16 ёшгача бўлган фарзандлари, 18 ёшга тўлмаган билим юрларининг кундузги бўлим ўқувчилари кирди;

ҳалок бўлган оддий ва бошлиқлар таркиби, ҳарбий хизматчилар, шунингдек, фахрийларнинг вафотидан сўнг унинг оила аъзоларига санаторий-курортга йўлланма олиш ҳуқуқи 6 ойгача сақланади.

Санаторий ва дам олиш уйларига йўлланмалар саралаш комиссиясининг қароридан кўчирма ва соғлиғи ҳақидаги тиббий маълумот асосида берилади.

— Йўлланмаларнинг қиймати ҳақида гапириб берсангиз?

— Бу саволингизга Мафрат Ганиевна батафсил жавоб беради.

— Унда сўз Сизга Мафрат оша.

— Ҳар бир санаторий ва дам олиш уйига йўлланмалар қиймати мавжуд қонуinchилик асосида белгиланган.

Санаторий ва дам олиш уйларига 25% қийматли йўлланмалар қуйидагиларга берилади:

— ички ишлар идоралари ўрта, катта ва юқори бошлиқлар таркибига, ички қўшин генерал, офицер ва прапоршникларига;

— ички ишлар идоралари ўрта, катта ва юқори бошлиқлар таркиби, ички қўшин генерал ва офицерларига, ССЖИ ИИВ кадрларида қолдириш учун ташкилот, муассаса ва бирлашмаларга сафарбар қилинганларга;

— ички ишлар идоралари катта ва юқори бошлиқлар таркибига фахрийларга, ички қўшин катта ва юқори офицерлик таркиби, 25 хизмат йили ёки касаллиги туфайли нафақага (имтиёзли равишда) чиққан фахрийларга;

— 1973 йил 31 декабрдан сўнг соғлиғи ёки шатат қисқариши муносабати билан захирага бўшатишган катта ва юқори бошлиқлар таркибидаги фахрийларга.

Ички ишлардаги ўрта, катта ва юқори бошлиқлар оила аъзоларига, ички қўшиннинг муддатли ҳарбий хизматчиларига, генерал, офицер, прапоршникларига ҳамда фахрийлари оила аъзоларига 50% ли йўлланмалар берилади.

Қ. ЖУМАБОВЕВ,

ЎзССРЖ ИИВ шахсий таркибини ижтимоий, ҳуқуқий муҳофаза қилиш ва тарбиялаш бошқармаси ходими.



Тошкент шаҳар ички ишлар бошқармаси ҳузуридаги балоғатга етмаганларни қабуллаш ва тақсимлаш муассасасида 70 ўрин мавжуд. Ҳўш, бу ерга кимлар қабулланади ва қаерларга тақсимланади?

Муассаса балоғатга етмаган дайдиларни жойлаштиришга мўлжалланган. Болалар турли сабаблар билан ўзларини тўрт девор орасида кўрадилар. Уларнинг кўнчилиги уйдан бош олиб чиқиб кетган ўсмирлар. Айримлари онладаги жижжалардан безор, иккинчилари жонига маст ота-онанинг беларволиги теккан, бошқалари эса олис юртларни кўриш истағида йўлга отланишган.

Сандирақлаб юрган дайдиларини кўча-кўйларда, темир йўл шоҳбекларига, автобус бекатларида тутиб олишади, автобус ва поездларда ушлашади. Бундан мақсад — уларни асраш. Чунки дарбадарлик натижасида ёмон ниятли кишилар кўлига тушиб қолиш ҳеч гап эмас.

Муассасага олиб келинган ўсмирларнинг шахсини, яшаш жойини аниқлаш борасида

анча тер тўкишга тўғри келади. Ҳамма ҳам дарров дилидагини тилига чиқаравермайди. Шундан кейин навбатдаги машаққат бошланади. Уйдан қочганларни киндик қони тўкилган юртларига ташлаб келишади. Болаларнинг турар-жойлари орасида Молдова, Сибирь ва Украина, Қорақалпоғистон ва Узоқ Шарқни учратиш мумкин.

Кичик ёшдаги жиноятчилар ҳам тўрға илиниб турадилар. Уларни комиссия қарори билан болалар уйи, махсус мактаб-интернатлар ёки ёпиқ нусхадаги ҳунар-техника билим юртларига жўнатишади.

СУРАТЛАРДА: 1) машғулот пайти; 2) муассаса бошлиғи милиция майори Оллоберган Эгамбердиев эски шаҳар бозорда тўтилган Мурот Айтбаев билан суҳбатлашмоқда; 3) овқатланиш; 4) улар кўринишидан бошқа болалардан фарқ қилишмайди, ҳолбуки бу ерга тушганларнинг ўзи онлада муносабат яхши эмаслигидан далолат.

Александр КОШКИН олган суратлар.



БИЗНИ УНУТМАНГ, УСТОЗ!

Туманимиз ИИБ ходимларининг қайси бири билан суҳбатлашманг, милиция катта лейтенанти Фазлиддин Бойматов тўғрисида оғзидан бол томиб гапирари.

У киши билан учрашсангиз, кўксини «Милиция аълочиси» нишонни, биринчи, иккинчи, учинчи даражали «Бенуқсон хизмати учун» медаллари безаб турганини кўрасиз.

Агар Фазлиддин аканинг юрагида халққа, юртга, ташлаган касбига садоқат бўлмаганда, бу нишон медаллар қаёқдан келарди, дейсиз. Агар у киши катта-ни ака, кичини ука деб эъозламаганида, ёшларга биланларини сидқидилдан ўргатмаганида, юм ҳам яхши фикр айтарди, дейсиз. Фазлиддин ака тумани-

миз ички ишлар бўлимига бундан 25 йил муқаддам хўжаликлараро қурилиш бошқармаси йўлланмаси билан келган эди. У киши оддий милиционерликдан участка вакили даражасига кўтарилди. Раҳбарият қандай вазифага қўймасин, ҳалол хизмат қилди. 1984 йилдан бери бизнинг кўриқлаш бўлимида севишли касбини ардоқлаб келаяпти. У олдинги йилларда Наманган ва Андижон вилоятларида юз берган оммавий тартибсизликларни бартараф этишда тажрибали милиционерга хос вазминлик билан намуна кўрсатди. Ана шу хизматлари эвазига ҳар икки вилоят ИИБлари раҳбариятининг раҳматномасига сазовор бўлди.

Ҳаёт чиндан ҳам оқар сув экан. Бугунги кунда взводимиз командири пенсияга кузатишга тайёргарлик кўраяпмиз. Бу бир томондан қувончли, иккинчи томондан...

Чунки узоқ йиллар бирга ишлаган, суянган тоғингдек бўлиб қолган ҳамкасбингиз пенсияга кузатиш ва хайрлашиш бирмуноча оғир эканлигини ҳис қилаяпмиз.

Майли, Фазлиддин ака, қаерда бўлсангиз ҳам соғомон бўлинг. Бизни унутманг. Сизнинг доно маслаҳатларингизга доимо муштоқмиз.

Раҳимжон РАХИМОВ, Қува тумани ИИБ бошланғич комсомол ташкилоти котиби, милиция катта сержанти.

ХАЛҚ ПУЛЛАРИ ЖИНОЯТЧИЛИККА ҚАРШИ КУРАШДА

ССЖИ ИИВНИНГ 1991 ЙИЛГИ БЮДЖЕТИ ҲАҚИДА

ССЖИ ИИВ МОЛИЯ-РЕЖА БОШҚАРМАСИ БОШЛИҒИ,
ИЧКИ ХИЗМАТ ПОЛКОВНИГИ ВАЛЕНТИН ЛУКЪЯНОВИЧ
СОКОЛОВ БИЛАН СУҲБАТ

— Яқинда ССЖИ Олий Кенгаши мамлакатимиз ички ишлар вазирлигининг жорий йилдаги бюджетини тасдиқлади. Айтишларича, у кўп жиҳатлари билан одатдагидан бошқача. Шу тўғриси!

— Ҳақиқатда ҳам вазирлик бюджети янгича бўлди. Ҳозир ССЖИ ва федерациянинг субъектлари ўртасидаги ваколатлар белгилаб олинмоқда. Шунинг учун мамлакат иттифоқ бюджетини тузиш чоғида хизматларнинг анчагина қисми, аниқроғи, ҳамма жамоат тартибини сақлаш бўлаклари жумҳуриятлар ҳуқуқ доирасига ўтказилди. Демак уларга кетадиган сарф-харажатлар жумҳуриятлар ҳисобидан бўлади. Натижада маблағ билан таъминлаш йўлининг таркиби, иттифоқ ва жумҳуриятлар бюджетлари ўртасидаги муносабатлар сезиларли ўзгарди. Бу биринчидан. Аввалгиларига ўхшамаслигининг иккинчи сабаби шундаки, ИИВ харажатлари давлат бюджети ҳақидаги ССЖИ Қонунда алоҳида банд қилиб кўрсатилган.

— Бандда нималар кўзда тутилган!
— 23-моддада ССЖИ ИИВ харажатига 5.602.500 минг сўм миқдорда маблағ ажратиш тасдиқланган. Шундай кескин ҳамда оғир бир вазирликда ССЖИ ИИВ харажати учун бунча катта маблағ ажратилиши мамлакат қонун чиқарувчи идоралари ва халқ депутатларининг ҳуқуқни муҳофаза этувчи идоралари эҳтиёжларига катта эътибордан, шахсий таркибини моддий таъминлашни яхшилашдан, жиноятчиликка қарши курашни кучайтириш учун зарур шарт-шароитлар яратиш бўйича ҳамхўрлигидан далолатдир.
— Бу харажатлар нафақага тўланадиган маблағларни ҳам

ўз ичига оладими!

— Йўқ. Нафақа тўловлари бошқа манбалардан ажратилади. У 1 млрд. 42 млн. сўмни ташкил этади. Утган йили эса бунга ажратилган маблағ атиги 505 млн. сўм эди.
— Ҳамма нарса чоғиштиришда яхши кўринади. Келинг, ССЖИ ИИВ харажатида иттифоқ бюджетда ажратилган маблағларни ҳам 1990 йилгиси билан таққослаб кўрайлик.

— Майли. Бу йил ўтган йилга нисбатан ажратилган маблағлар қарийб 2 баробарга кўпайди.

— Кўшимча ажратилган маблағларнинг асосийси нималарга сарфланади!

— Асосан ички ишлар ва ички қўшинлар идораларининг шахсий составини моддий жиҳатдан таъминлашга ишлатилади.

— Агар мумкин бўлса, аниқ мисоллар келтирсангиз...

— 1 мартдан бошлаб ички қўшинлар ҳарбий хизматчиларининг пул таъминоти кўпайтирилди. Ички ишлар идоралари ходимларининг мансаб маошлари оширилди. Шунингдек, июль ойидан айрим имтиёзлар ҳам кучга киради. Озиқ-овқат ўрнига қўшимча тўловлар жорий этилади, махсус мақсаддаги бўлаклардаги алоҳида хизмат шароити учун ва юқори малакали мутахассислиги учун тўловлар бериладиган бўлди. Бундан ташқари махсус унвон учун маош тўлашда Совет Армиясидагидек тартибга амал қилинади. Бошқа яна қатор имтиёзлар ҳам йўлга қўйилди. Бунга кўп тўхталаш мумкин. Унинг серкўламлигини ҳисобга олган ҳолда кейинроқ батафсил жавоб беришга тайёрман.

— Ҳуқуқлар кенгайтирилмоқда. Улар билан бирга жумҳурият бошқарув идоралари жавобгарлиги ҳам...

— Мана шу ўзгаришлар муносабати билан жумҳурият ҳуқуқни ҳимоя қилиш идоралари харажатларига бўлган муносабат ҳам ўзгарди. Хусусан, участка вакиллари, патрул-пост хизмати ва маҳаллий милициянинг бошқа қатор бўлаклари таъминоти энди иттифоқдош жумҳуриятлар чекига тушади. Барча иттифоқдош жумҳуриятлар бунга рози бўлдилар. Бунда нафақат жумҳуриятларнинг сарф-харажатларидаги улуши, балки ажратилаётган маблағнинг мутлақ миқдори ҳам ошди. Таққослаб кўрадиган бўлсак, жумҳуриятлар ва маҳаллий бюджетлар чекига тушадиган сарф-харажатлар жорий йилда ўтган йилдагига қараганда 2,3 марта ошади.

— Бу ҳолда марказнинг «обрўсига путур етмайди»!

— Иттифоқ бюджетининг 5,6 млрд. сўм эканлиги ўз ўзидан унинг салмоғи нечоғлиқ оғирлигини кўрсатиб турибди. ССЖИ ИИВ мақамасининг ва унинг ҳузуридаги бўлакларни, милиция оператив-қидирув хизматларини, олий ўқув юртларини, илмий-текшириш муассасаларини, иттифоқ қарамоғиди ахлоқ тузатиш-меҳнат ва ижтимоий муассасаларини маблағ билан таъминлаш марказ иҳтиёрида қолган.

— Демак, вазирликнинг иттифоқ бюджети ички ишлар идоралари кучларини жиқслаштиришга хизмат қилади, деган хулоса чиқариш мумкинми!

— Ҳа, чунки у энг аввало амалда ўлкалараро жиноят-

чилик ва унинг уюшган шакллари билан курашни кучайтиришга, милициянинг оператив-қидирув кучларини бирлаштиришга қаратилган. РСФСЖ ва Болтикбўйи жумҳуриятлари қонунчилик идоралари ўзларининг ИИВларини фақат жумҳурият бюджети ҳисобидан маблағ билан таъминлаш ҳақида қарор қабул қилдилар. Менинг фикримча, бу қарор жиноятчилик билан курашнинг асосий йўналишларига куч ва маблағларни кўпроқ жамлаш имкониятини бир мунча сусайтиради, оператив вазиятдан келиб чиққан ҳолда ҳаракат қилиш имкониятини чеклайди. Бу бор ҳақиқат, у билан ҳисоблашмасдан иложимиз йўқ. Устига-устак шу кунларда қабул қилинган «Совет милицияси ҳақида»ги қонун иттифоқдош жумҳуриятлар ИИВларининг ички ишлар идораларининг ҳуқуқлари ва мустақиллигини яна ҳам кенгайтиради. Қонунга мувофиқ жорий йилнинг 1 июлигача харажатларини тузиш тартибини ўзгартириш, милицияни моддий-техника, ижтимоий-маиший жиҳатдан таъминлаш ҳақидаги таклифларни тайёрлашимиз керак.

— Бугунги бизнинг суҳбатимизда Сиз ССЖИ ИИВга яқин орада бериладиган асбоб-ускуна ва техникалар ҳақида гапираётми, салмоқли рақамларни қайд қилиб ўтингиз. Масалан, улар орасида 24 минг энгил автомобиль, 140 минг ихчам рация, 950 минг тонна автобензин бор. Белгиланган бу нарсалар олингач, милиция бўлақларидаги, ички қўшинлардаги техникавий таъминотда мавжуд бўлган оғир вазиятни ўзгартира оладими!

— Тўғриси айтадиган бўлсак, воситалар ва ресурслар ҳали етишмайди. Боз

устига олинаётган техниканинг баҳоси ўсиб борапти. Шунга қарамасдан техникавий таъминотни яхшилаш имконияти кенгаймоқда. Муҳими шундаки, улардан тежабтергаб ва оқилон фойдаланиш керак. Бундан ташқари иттифоқ давлат режа қўмитаси томонидан ўтган йилдагидек чет элда ишланган техникаларни сотиб олиш учун катта миқдорда маблағ ажратилган. Шартнома тузишдан олдин нималарни сотиб олиш кераклиги ҳақида ўйлаб кўриш зарур.

— Узимизда тайёрланаётган махсус техникани хориждагидек юқори даражада бўлиши учун нималар қилинади!
— Қисқача айтганда, бу йил илмий-тадқиқот ишларига сарфланадиган маблағлар 2 баробарга ўсади. Бу бизнинг илмий-тадқиқот илмгоҳларимизга вазирлик илмий имкониятларини ривожлантиришда қулайлик яратади.

— Валентин Лукъянович, иттифоқдош жумҳуриятлар ўзларининг ҳоқимият идораларига кирувчи ички ишлар идораларини мустақамлашга катта эътибор беришни...

— Бунга бошқа манбалардан маблағ билан таъминлаш (вазирликлар, идоралар ва хўжаликлар, ахлоқ тузатиш-меҳнат ва бюджетсиз муассасаларнинг маблағлари) кўшилди. Натижада ССЖИ ИИВнинг умумий бюджети 1991 йилда 20 млрд. сўмга етади. Шундай қилиб ўтган йилга нисбатан 8 млрд. сўмга ошди.
— Лекин бу қўшимча маблағнинг анчагина қисми нарх-навонинг ўсганлиги муносабати билан тўланадиган товоonga сарфланса керак!

— Ҳа, анчагина қисми. Шунга қарамасдан ўсиш анчани ташкил этади. Бу эса ички ишлар идоралари ва ички қўшинлар фаолияти учун зарур бўлган молиявий шароитни яратиш имконини беради.

Суҳбатдош Олег ИВАНОВ. («Шит и меч» ҳафталигининг)

«Поста» рўзномасининг 26 январь кунги сонида фаол жамоатчи мухбирларимиздан бири, милиция капитани Революция опа Ҳасанованинг «Қилмиш-қидирмиш ёки андижонлик ташмачилар ҳақида» сарлаҳали фельетонини chop этгандик. Бу фельетонда Андижон ил-газлама ишлаб чиқариш бирлашмасида ташмачилик иллари чнда бўлмас даражада авж олиб кетаётгани қаттиқ қораланган ва ҳатто қорхона мулкига кўз олайтираётган эгриқўлли кимсаларнинг суратлари ҳам эълон қилинган эди.
Биз шундан кейин бу ҳақда жумҳурият энгил саноят вазирлигига ҳамда Андижон вилояти ижроия қўмитасига шопилинч хат юбориб, мазкур қорхонада юзага келган вазият ташвишли эканлигини таъкидлаган эдик. Айна пайтда юқори лавозимда ўтирган ўртоқлардан бу ҳолга ўз муносабатларини билдиришларини сўрагандик.
Афсуски, хатларимиз гўёки сувга тушган тошдек жавобсиз қолди. Эҳтимол, вазирликдаги ёки вилоят ижроия қўмитасидаги ўртоқлар эндигина тетапоа бўлаётган рўзномамизга вақт сарфлаб мактуб биттишни ўзларига эп кўришмагандир, ёки...
Тўғриси айтганда биз танқидий чиқишимиздан кейин Андижон ил-газлама ишлаб чиқариш бирлашмаси маъмурияти ташаббуси билан 6 минг нафар меҳнат жамоаси кўмағида текин дуқма томоқ тешар, деган нақлни эшитмаган кимсаларга қарши кескин кураш бошланди, деб умид қилгандик. Афсуски, чучварани хом санаган эканмиз.
Курашимиз у ёқда турсин қорхонада ҳам, вилоят ижроқўмида ҳам, ҳатто тармоқ вазирлигида ҳам бебошларнинг мушугини «пшит» дейдиган азамат топилмади. Биз

РАҒБАТЛАНТИРИШ ЕКИ УРГАНГАН КУНГИЛ УРТАНСА ҚУЙМАС

бу гапни Ўзбекистон ССЖ ИИВ ҳузуридаги жумҳурият «Қўриқлаш» бирлашмаси бошлиғи, милиция подполковниги Ҳикмат Раҳматуллаевич Убайдуллаевнинг муҳарририятимизга юборган хабарлигига асосланиб айтаямиз.
У кишининг сўзларига исбот шуки, атиги бир ой ичда жарима тўлаган майдачуйда ташмачилардан ташқари 18 нафар шахс устидан жинсий иш қўзғатилди. Улардан мусодара қилинган 9 минг 204 метр газламанинг нархи 11 минг 274 сўмни ташкил қилди.

Рўзномамизнинг биринчи чиқишида айрим истиҳолаларга бориб кўпгина ташмачилар исм-шарифларини яшириб берган эдик. Лекин баъзилар андишанинг отини қўрқоқ қўйишар экан, начора, бу сафар ундай шахсларни хурматли мухлисларимизга очик-ойдин таништиришга қарор қилдик.

Бирлашманинг транспрт бўлими ҳайдовчиси А. Бойқўзиев матоларни оқорлаш цехи устаси Ёрдямчиси М. Холмуродов билан тил бириктириб, шу цех юк ташувчиси Х. Мирзаевнинг «беминнат» кўмағида 127 метр газламанни ўмармоқчи бўлди. Лекин қўриқлаш бўлими ходимлари унинг қинғир режасини чиппанка чиқаришди.

Олдин шу бирлашмада ишлаб, нафси ўпқонлиги учун ҳайдалган Муҳаммад Тожибоев, Одил Қаюмов, Дилшод Отахонов, Бахтиёр Солиевлар ҳам оғзи куйган бўлишларига қарамай, қатиқни пуфламай ичмоқчи бўлишди. 16 февраль куни тунда дидил бўлиш учун қиттай-қиттай отиб олиб, фабриканинг

гул босиш цехига боришди. 4 минг 290 сўмлик (3 минг 770 метр) газломли цех томига чиқаришди. Лекин бу сафар ҳам милиция ходимлари рағбатда қолишмади.

Менинг нафсим балодир, ёнган ўтга соладир, деб бежиз айтишмаган. Пўқса, юқоридаги шахсларнинг тунги «саргузаштлари» аввал ишдан ҳайдалган Соқи Тошхўжаев билан Содиқ Мухторовларга сабоқ бўлмасмиди? Улар ҳам 1 минг 386 сўмлик (1 минг 94 метр) читни пар-

МАЗЗУГА ҚАЙТАМИЗ

дозлаш-оқорлаш фабрикаси цехининг томига осонликча чиқариб олдилар. Лекин ўғирликнинг бу усули милиционерлар учун янгилик эмас. Газламан фабрикага, уларни эса ички ишлар бўлимига топширдилар.

Яна аввал шу ерда ишлаб кетганлардан Ш. Турдиев гул босиш цехидан 680 метр газламан олиб кетишга ҳаракат қилганида қўлга олинди.

Бирлашманинг ил йиғирув фабрикаси омбори ишчиси Қобил Эрматов 120 метр сурпни автомашинаси ўриндиғи тагига жойлади. Лекин теншириб ўтказувчи пунктта келганида соқчилар сезирлиги олдида ил эшолмаслигини ҳис қилиб, нигоҳини олиб қочди.

Бирлашмага қарашли «Бойчечак» кафетерийси буфетчиси У. Ҳасанов ҳам нафси туфайли попоклар сафидан ўрни олди. Қорхона ходимлари О. Каттабоев ва Н. Тожибоевлар ҳомийлигида 4 минг 191 сўмлик (3 минг 290 метр) газламанни 2 фев-

раль куни энг ичда ташиб кетмоқчи бўлди. Лекин қинғир йўлнинг охири вой эканлигини кеч тушунди. Шунингдек, экспедитор А. Абдуқодировдан 87 метр, 2-фабрика электрчиси А. Сайдахмедовдан 36 метр газлама тортиб олиниб ўз жойига қайтарилди.

Юқорида номма-ном таништирилган олғирларнинг иши юзасидан текшириш олиб борилаяпти. Уларнинг аксарияти сўроқ давомида ёш эканликларини рўкач қилиб, кечирим сўрашапти. Лекин бу тавба-тазарруларга ишониш мумкин эмас. Шунча қинғирликларга ундаган ақлинг, наҳотки, бугунги ҳолатингни тасаввур қилиб кўришга ожизлик қилди, деган ҳаққоний савол уларнинг пу-

шаймонларини пучга чиқаради.
Энди яна юқоридаги чала қолган маззуимизга қайтамиз. Жумҳурият энгил саноят вазирлигидаги ва вилоят ижроия қўмитасидаги ўртоқлар рўзномамиздан борган хатларни эътиборсиз қолдирмай, қорхона маъмурияти билан ҳамкорликда ташмачиликка қарши бирор чора-тадбир ишлаб чиқишганида, ана шу чора-тадбирни амалга оширишга ҳаракат қилишганида биргина февраль ойида шунча одамнинг манглайига ташмачи деган тамга ёпиштирилмаган бўларди.

Ҳўш, юқори идораларда ўтирган мутасадди ўртоқларнинг бундай лоқайдлигини қандай баҳолаш керак? Оддий лоқайдликми ёки ташмачилик ҳаракатини рағбатлантиришми?

Раҳмон АЛИ.



СУРАТДА: электроцех ишчиси Қҳрамон Холбеков қўйинга қўл солган милиция ходими ўғирлик матонни топиб олди.

БИР ЖИНОЯТ ИЗИДАН

СИР ОЧИЛДИ

шахсини аниқлаш эди. Аммо жасаднинг куйиб кетганлиги бу ишга бир ҳафтага чўзиб юборди. Эндиги вазифа унинг қотилини топди.

Тинимсиз олиб борилган ҳаракат уларни Хоразм давлат педагогика олий билимгоҳининг 4-курс талабаси, 1970 йилда туғилган Д. Қуромбоевга олиб чиқди.

1989 йилнинг 28 декабрида Д. Қуромбоев тенгдоши И. Юсупов билан тил бириктириб, Хоразм давлат педагогика олий билимгоҳининг филология куллийти

ўқитувчиси, 1931 йилда туғилган Ю. Жуманазаровни ўлдиришди. Д. Қуромбоев, И. Юсуповнинг милицияга айтиб қўйишидан чўчиб юради. Ва ниҳоят доимо қўрқув билан яшашни истамаган талаба гувоҳини йўқотиш режасини тузиб, шу йилнинг 25 январь куни уни амалга оширади.

Юқоридаги икки жиноятни фош этишда қатнашган милиция ходимлари ички ишлар вазирлигига раёбатлантириш учун тақдим этилдилар.

Қодир МУҲАММАДЖОНОВ.

Қотил жиноят изини йўқотиш мақсадида мурдани ёқиб, кўприк остида қолдиришаркан, кўнгли жойига тушди. Энди гувоҳ йўқ, ташвишланмаса ҳам бўлади.

Зудлик билан жиноят қидирув вакили милиция катта лейтенанти Даврон Иброҳимов, участка вакили милиция катта лейтенанти Абдумалик Бобожоновлардан иборат тузилган қидирув гуруҳига Урганч тумани ИИБ жиноят қидирув бўлини бошлиғи милиция капитани Комил Юсупов бошчилик қилди.

Тезкор гуруҳнинг биринчи галдаги вазифаси мурданинг



Калинин тумани ИИБ ҳузуридаги қўриқлаш бўлимига бир қанча муҳим аҳамиятга

эга бўлган халқ хўжалиги объектларини муҳофаза қилиш вазифаси юклатилган.

Бўлим ходимлари бу вазифани сифатли равишда адо этишмоқда. 1985 йилдан бери улар томонидан қўриқланаётган объектларда бирор марта ҳам кўнгилсиз воқеа содир этилмаганлиги шундан далолат беради.

СУРАТДА: марказлаштирилган соқчилик пулти бошлиғи, милиция капитани Тоҳир Маҳаматбеков, милиция старшиниси Уткир Зиёев, қўриқлаш бўлими бошлиғи, милиция капитани Маъруф Маҳмудов ва милиция сержанти Маъмур Деҳқонбоевлар ўзаро фикр алмашмоқдалар.

Сураткаш Боқижон ХОЛМИРЗАЕВ.

ДИЛДАН ИМОН КЕТМАСИН

Жамоатчи мухбиримиз Қўқон шаҳар ИИБ бошлиғи, милиция капитани Шукрулло Рўзमतовага бир неча савол билан мурожаат қилди.

— Шукрулло Қодирович, 1989 йилда рўй берган Қўқон воқеалари туфайли халқ ва милиция ўртасида, сир эмас, анча-мунча келишмовчилик пайдо бўлган. Лекин ўтган йили умумий жиноятчилик 2,2 фоиз, ЖҚБ хизмати бўйича қонунбузарликлар 1,7 фоизга камайган. Бунга қандай изоҳлаш мумкин?

— Бу борада суҳбатни бошлашдан олдин милиция кимники, деган саволни ойдинлаштириш олайлик. Милиция — халқники. Чўчмасдан айтса бўлади, у халқ ҳисобига яшайди. Шу боис қаердаки одамлар тинчлик посбонларига ишончсизлик билан қарар экан, бу ўша жойдаги милициянинг ёмон ишлаётганини кўрсатади.

Тўғри тушунинг, бу борада биз оппоқмиз, деган фикрдан мутлақо узоқдаман. Лекин ана шу камчиликлардан фориғ бўлиш, иложи борича заҳматкаш халқ орасига кириб бориш, унинг қувончига ҳам, қайғусига ҳам шерикчилик қилиш бизнинг асосий мақсадимиз. Энди боғия саволингизга «жавоб берадиган бўлсам, халқимиз оз бўлсада, ана шу мақсадимизни, интилишимизни ҳис қилаяпти, шекилли.

— Кечирасиз, бу мақсад ҳолос. Унинг ижроси қийин кечмасмикин?

— Қийин кечиши табиий. Лекин бошқа йўл йўқ. Виласиз, мен вилоят кенгашининг депутатиман. Ҳисоблаб чиқдик, шаҳримизда меҳнатга лаёқатли 1 минг 35 нафар эркаклар, 2 минг 510 нафар аёллар иш топмай сарсон бўлиб юришибди. Бу оғрикли саволни катта-катта анжуманларда кўтариб чиқдик. Ҳозир шаҳар Кенгашининг раиси, ССЖИ халқ депутати Ю. Ёқубов раҳбарлигида бу муаммони ҳал этиш бўйича тадбирлар амалга оширилапти. Жумладан, кичик ва кўшма корхоналарни қўлга олиш, ички имкониятлардан тўғри фойдаланган ҳолда қўшимча иш смалари ташкил этиш ва ҳоказолар.

Яна шуни айтиш керакки, қўқонликлар бизнинг халқимиз. Уларнинг дардига фақат биз малҳам қўйишимиз мумкин.

— Халқ билан яқинлашиш йўлида қилаётган ҳаракатларнингизга биттагина амалий мисол келтирсангиз.

— «Осийшталлик ва ғамхўрлик» жамияти тузилгани катта иш бўлди. Бу жамият иш режаси шаҳар Кенгаши ижроия қўмитасида тасдиқ-

ланган. Шаҳар аҳолиси ўртасида қонунбузарликларнинг олдини олиш, муқаддам судланган шахслар билан яқиндан муносабатда бўлиш, Улуғ Ватан уруши қатнашчилари, байналмилалчи жангчилар, ноғиронлар, етимлар, боқувчисини йўқотган оилаларга ёрдам кўрсатиш бу жамиятнинг асосий вазифасига киради. Жўрабой ака, айниқса, ҳозирги пайтда оддийгина меҳрга зор кишилар ниҳоятда кўп...

— «Поста» рўзмонасида «Минг тасанно, ҳамкасбларингизга!» деган кичкина мақолани ўқиб қолгандим...

— Бизни танқид қилишган мақолани айтаёйсиз, тушундим. Танқид аччиқ бўлса ҳам, меваши ширин бўлади, дейишди, тўғрими? Биз ўша мақолани ИИБ жамоасининг кенгайтирилган мажлисида муҳокама қилдик. Чиндан ҳам Қўқонда чайқовчилик кучайиб кетган. Шошилиш тадбирлар белгиладик. Бу ҳақда рўзнома муҳарририятга ҳам жавоб хати йўллаганмиз. Лекин бизнинг ҳам ожиз томонларимиз бор. Мисол учун ССЖИ ички ишлар вазирининг буйруғида кўрсатилган шича, битта участка вакили 4—4,5 минг аҳоли ўртасида профилактика ишлари олиб бориши керак. Бизда эса битта участка вакилига 7,5—8 минг аҳоли тўғри келади. Сал кам икки баробар кўп! Биз ички имкониятлардан фойдаланяпмиз. Маҳаллий Кенгашга уларнинг бюджети ҳисобидан қўшимча участка вакиллари олишимизга рухсат сўраб мурожаат қилганмиз. Уйлайманки, бу муаммо ижобий ҳал этилади.

— Менга маъзур тутинг, лекин чайқовчиликка қарши кураш борасида маҳаллий милиционерлардан фойдалансангизлар бўлмайдингиз?

— Бизни қийнаётган энг ўткир муаммони тилга олдингиз ҳозир. ИИБда маҳаллий (муниципал) милиция ташкил қилинган. Лекин пиво-лимонад заводи, кўн-тери корхонаси, шаҳар автовокзали, кўкаламзорлаштириш бошқармаси ва бошқа бир қатор ташкилотлар биз билан тузилган шартномаларни бажаришдан бош тортмоқдалар. Қисқа қилиб айтганда маҳаллий милиция учун маблағ ўтказмаптилар.

Агар шу корхона-ташкилотлар раҳбарлари ССЖИ Олий Кенгашининг 1989 йил 4 августдаги қарорини бажариш учун жиддий бош қотирилганларда эди, Сиз айтмоқчи, қўлимиз анча-мунча узун бўларди.

Суҳбатдош Жўрабой БОЛТАБОВ.

«ТОЗА» ИШНИНГ ЛОЙИ

Ҳунар-техника билим юртини талабаси Собит Нисанов Юнусободнинг 10-маҳалласида истиқомат қилади. Ўқидан бўш пайтларини кўчада дайдиб юриш билан ўтказадиган Собит шу йилнинг 8 январь куни тенгдоши Маратни учратиб қолди.

— Битта «тоза» иш бор, — деди у Маратга синчков назар ташлаб. — Агар хўп десанг, пичогимиз мой устида бўлади. Ахир, қачонгача ота-онамизнинг берадиган бир сўмига кўз тикиб тураемиз. Мен бир бой хонадонни биламан. Шунинг урмаймизми?

Икки ошнанинг суҳбатига келиб қўшилган Володя ҳам бу таклифни жон деб қабул қилди.

Хуллас, улар эртасига тонгда Юнусобод даҳасининг маҳалласидаги уй орқасида учрашишга келишиб тарқалишди. Эртаси куни уй эгалари ишга кетишгач, уч оғайни ўзлари режаларган операцияни амалга оширдилар. Ҳар эҳтимолга қарши хонадон қўнғироғининг тугмасини босиб кўрган Владимир уйда ҳеч ким йўқлигига ишонч ҳосил қилгач, эшикни темир чўкич билан очишиб ичкарига киришди...

Хонадон соҳибининг қизи Н. Черних мактаб катта танаффуси пайтида дугонаси билан уйга келди. Эшикни бузилганлигини кўриб, тезда ичкарига кирган Надя буюмларнинг остин-устин бўлиб ётганлиги шоҳиди бўлди. Дарҳол милицияга хабар қилди. Уйдаги буюмлар назоратдан ўтказилганда, ўр-

рлар нархи 480 сўмлик эрон ғилами, 5200 сўмлик бриллиант кўзли узук, 75 сўмлик аёллар туғлиси, жами 670 сўмлик учта биллур ваза, Японияда ишлаб чиқарилган 380 сўмлик ошхона сервиси ва 1200 сўмлик «Соңио» магнитофони, 50 сўмлик жундан тўқилган ёпинғич, 320 сўмлик иккита плашч, 260 сўмлик аёллар нимчаси, нархи 400 сўмлик мўйнали аёллар бош кийими ва 170 сўм турадиган «Мадонна» маркали совға соати, жами 9105 сўмлик буюмни орқалаб гоийб бўлишган эди. Маълум вақтдан сўнг милиция ходимлари «уч оғайни ботирлар»ни қўлга олишди. Улар баъзи бир буюмларни сотишга ҳам улгурган эканлар.

Шахсий мулкни ўғирлашга бош қўшганлиги, олдин ҳам суд ҳукми билан бир йил шартли муддатга озодликдан маҳрум этилганлиги ҳисобга олиниб, 1972 йилда туғилган Владимир Лигаё тўрт йил муддатга, 1972 йилда туғилган Марат Асмаев ва 1973 йилда туғилган Собит Нисановлар эса уч йил муддатга озодликдан маҳрум қилинди.

Фойдали меҳнатдан қочиб, нопок ишлар билан шуғулланиб келаётган, ноқонуний йўл билан мўмай пул топиш дардида юрған кимсалар шуни билиб қўйсиналарки, бир кунмас-бир кун қинғир ишларнинг қийинчиқиб, қилмишларига яраша одил суд ҳукми билан жазо оладилар.

Раҳмонали АКБАРАЛИЕВ, Ташкент шаҳри.

ПОСБОН БЎЛМОҚЧИМАН

Менга милиция ходимларининг таҳликали ва фахрли ишлари жуда ёқди. Ўтган йили ўрта мактабни тугатганман. Орзуим — тинчлик посбони бўлиш. Эшитишимга қараганда ҳарбий хизматни ўтамаганларини милиция мактабига қабул қилишмас эмиш. Шу ростми?

Агар бундай бўлмаса, қачондан бошлаб ҳаракат қилишим ва қандай ҳужжатлар тайёрлашим керак?

Салом билан Каттақўрғон туманидаги Энгельс номли жамоа хўжалиги ҳудудига яшовчи Асридин ҲАМРОЕВ.



СУРАТДА: Ш. Рўзमतов. Фуломжон УБАЙДУЛЛАЕВ олган сурат.

Шу йил 18 февраль кунин Зомин тумани ички ишлар бўлимига ташвишли хабар етказилди. 1-ўрам (микрорайон) ҳудудда номаълум ҳайдовчи бошқариб келаётган трактор 4 ёшли Шокир Шойзақовни уриб юборган. Қилғидикни қилиб қўйган тракторчи тўхтаб, болакайга ёрдам бериш ўрнига қочиб қолган.

Милиция ходимларининг аниқ ва пухта ҳаракатлари натижасида, кўп ўтмасдан норасидага тан жароҳати етказган кимса ушланди. У туман марказида жойлашган 74-МПК тракторчиси О. Маматқулов бўлиб чиқди.

КИМ АЙБДОР?

Суриштирув чоғида қуйидагилар аниқланди. 18 февраль кечқурун унинг уйига улфатлари йўқлаб келишди. Меҳмонлар билан икки иш-на ароқни бўшатишган, лекин мезбоннинг назарида бу камлик қилаётгандек туюлади. Шунинг учун тракторни ўт олдириб, туман марказига йўл олади. Таниш дўкон мудиридан ароқ олиб қайтаётганда юқоридаги мудҳиш воқеа содир бўлади. Хайриятки, Шокир енгил тан жароҳати олиб, шифохонадан соғайиб чиқди.

Шиндаошларининг кўнглини олмоқчи бўлган О. Маматқулов бир бечоранинг умрига зомин бўлишига сал қолди. Уйдаги икки фарзанди ва умр йўлдошининг юзига энди қандай қарайди. Бу унинг виждонига ҳавола.

Шу ўринда яна бир савол туғилади. 74-МПК раҳбарлари нега мавжуд техникани ишдан кейин гаражда сақлашга эътибор бермайдилар? Мана шу кўнгилсизликда уларнинг ҳам айби бор-ку. Менингча, шундай воқеанинг содир бўлишига айбдор бўлган барча одам жавоб бериши шарт!

И. ЮНУСОВ.

БИРИНЧИ ГАЛАБА

Кун билан тинмаган ёмгир ҳам «Пахтакор»нинг ҳақиқий ишқибозларини ўйингоҳга ташриф буюришга ҳалақит беролмади. Умиди сўнмаган ва севимли командада оғир кунларида руҳан мадад беришга тайёр мухлислар ишончинини пахтакорчилар ҳам оқлашди.

Ноқулай об-ҳаво шароитига биринчи бўлиб майдон эгалари мослашганини дастлабки дақиқалардананоқ улар уюштирган кетма-кет ҳужумлар тасдиқлайди. Бир-бири билан яхши алоқада бўлган Оганесян, Пятинский, Қосимов ва Шкворинлар меҳмонлар дарвозаси олдида бир неча марта хавфли вазиятларни вужудга келтиришди. Биринчи бўлим ўрталарида ўзларига келган меҳмонлар ўйиндаги кес-

кинликни биров юмшатишга муваффақ бўлишди. Шунинг учун футболчилар та-наффусга 0:0 ҳисобида чиқиб кетишди.

Ўйиннинг иккинчи бўлими яна пахтакорчиларнинг шиддатли ҳужуми билан бошланди. 63-дақиқада Оганесян узатган тўпни ярим ҳимоячи Қосимов тўхтатмасдан жарима майдонига йўллади. «Пахтакор»нинг ҳужумчиси Шкворин дарвозабон билан курашда ғолиб чиқиб, тўпни боши билан дарвоза тўрига туширди.

1:0 ҳисоби ўйин охиригача ўзгармади. «Пахтакор» олий лига ўйинларидаги биринчи ғалабани қўлга киритди.

Зиёвуддин СОДИҚҲУЖАЕВ,
«Постда»нинг спорт шарҳловчиси.

ХИЖОЛАТ АЙЛАСАНГ ДОҒМАН

(МУВАШШАХ)

Юзингни кўрсатиб, юзсиз аломат айласанг доғман, Бировнинг ҳақиқидин роҳат-фароғат айласанг доғман.

Лабингни титратиб, авраб илондек соддан дилни, Чақиб ҳамёнини бирдан, каромат айласанг доғман.

Ғажиб ўтдинг ҳаётингда ки меҳнат аҳлини доим, Шу мақсад йўлида тинмай жаҳолат айласанг доғман.

Имонингни сотиб пулга, диёнатни унутгансан, Инсофди бўлгин деб вале, насиҳат айласанг доғман.

Мисқолча йўқ сенда чидам, жиғилдонинг наҳанг гўё, Ютиш чоғида ҳам китни хижолат айласанг доғман.

Ғадоилик қилганинг афзал шу алфоз кун кечиргандан, Ҳалолу оқкўнгилликини кафолат айласанг доғман.

Ахир ошкоралик даври, қочиб қайларга боргайсан, Гулом кўрган маҳал хомуш тароват айласанг доғман.

Абдуғулом ҚОЗОҚОВ,

Анджон туманидаги 8-ўрта мактаб ўқитувчиси.

ҲАЛОЛЛИК СОВРИНИ УЧУН

Ҳурматли мухлислар! Диққат қилинг, кўчма микрофонларимиз хилватгоҳдаги чайқов бозорига ўрнатилган. Бир неча дақиқалардан сўнг биз бу ердан «БХСС» ва «Чайқовчи» командаларининг «дўстона» учрашувини олиб эштитирамиз.

Ёдингизда бўлса керак, бу икки команда кўпдан бери ўзаро беллашиб келади. Бироқ «ҳалоллик» соврини учун даъвогар бўлган «БХСС» командаси ҳануз ғалабага эриша олганича йўқ.

Мана командалар майдонга кириб келишмоқда. Ўнг томондан кириб келган «БХСС»чилар майдон ўртасида тўхташди, чап тарафдан келишадиган «Чайқовчи»лар тўдаси эса негадир атрофга аланг-жаланг қарашиб, бир-бирларига имлашиб қолишди. Рақибларидан ҳайқишмоқ-дамикан? Бу гал ҳам «Чайқовчи»ларнинг пайтавасига қурт тушган кўринади.

Айтиш керак, бугун минглаб томошабинлар «БХСС»чилар ҳаракатини катта ҳаяжон ва эътибор билан кузатишмоқда. Уларга умид ва ишонч кўзларини тикишган, бу ҳар дақиқада уларни қўлаб-қувватлашда билинмоқда. Бозор муносабати арафасида янада ночорлашган одамлар камқувват қўнтақларига зулукдек тармашадиган «Чайқовчи»ларнинг мағлубиятга учраб, юзи қаро бўлиб, абдийликка кетишларини жуда истаггани туфайли «БХСС»чиларга омад, инсоф тила-

шиб олқишлашар, далда беришарди.

Шу пайт «Чайқовчи» командасининг марказий ҳужумчиси Ўшқонбоев жасорат кўрсатмоқчи бўлди шекилли, қўлида қундуз телпаги билан ўртага отилиб чиқди. Ҳимоячилардан Ўрабоев ва Тўймасбоевлар эса чойнак, пибла, сигарет, ҳар хил кийим-кечаклар ва бошқа кам-ёб моллар билан унинг ўнг ва чап қанотларини қўриқлаб келишадиган.

(ЧАЙҚОВ БОЗОРИДАН РЕПОРТАЖ)

«БХСС» командасининг марказий ҳужумчиси Жасурбоев улар томон дадил ташланди. Шу заҳоти ўнг ва чап қанот ҳимоячилари Сергақбоев билан Зийрақбоевлар унга ёрдамга шошилишди. Хавфли вазият вужудга келди.

Командаларнинг дастлабки дақиқалардананоқ ўйинни шиддаткор бошлаши уларнинг бу галги маъсумга пухта тайёргарлик кўрганликларидан далолат бермоқда.

Ўшқонбоев усталлик билан Жасурбоевни алдаб ўтиб, телпакни Ўрабоевга узатди. Сергақбоев билан Зийрақбоевлар қуршовида қолган Ўрабоев эса байри-табий бир эпчиллик билан телпакни Тўймасбоевга оширди. Эҳ, «БХСС» командаси ҳозир ўзлари учун жуда қулай вази-

ятни қўлдан бой бердилар. Очиқ эътироф этиш керакки, команда аъзолари ўртасида уюшқоқлик бўлмаётир ва ҳимоячилар вақтида ёрдамга этиб келишмасдан, ҳар ким ўз ҳолича ҳаракат қилаётирлар.

Кураш давом этмоқда. Майдонда бир даста пул билан Ўшқонбоев. У ўйинчилар орасидан силлиқина ўтиб, Жасурбоевга қараб югурди. Бир оз қилпанглагач, пул ушлаган қўлини Жасурбоевнинг қўнтагига тикиб юборди. Г-о-л...

Пўқ, кечирасизлар, гол бўлмади. Жасурбоев чаққонлик билан унинг биллагидан тутиб, ғазаб ва нафрат билан орақасига қайирди. Айни шу пайтда Сергақбоев, Зийрақбоевлар ҳам Ўрабоев билан Тўймасбоевларнинг йўлини тўсдилар.

Шундай қилиб ўйиннинг биринчи қисми ниҳоясига етди. Унда «БХСС»чилар ғалаба қозонишди. Биз «БХСС» командасини кўп сонли мухлислар ҳамда ҳалол, пок инсонлар номидан эришган «ҳалоллик» соврини билан қизгин қутлаймиз.

Азиз репортаж ишқибозлари, ўйиннинг иккинчи қисми шу йилнинг ўрталарида милиция идорасида бўлади. Ҳал қилувчи ўйинда учрашгунча хайр, дўстлар.

Репортажни Нормамат ТОҒАЕВ олиб борди.

Кадикё пристанида бир ёш жувон чинқариб қолди:

— Вой худо, сумкам... Ушланг уни.

Оломон ҳаяжонга тушди. Ялангоёқ дайди уч поғонани бир хатлаганча кўприк зинасидан қочиб борарди. Гўзал жувон ёнида турганларга ёлворарди:

— Югуринг орақасидан! Ушланг!

Ўғри кўздан ғойиб бўлди. Оравдан беш дақиқа ўтди. Ёш полициячи кўринди. Унинг қўли сумкани олиб қочган ўғрининг елкасида эди.

— Кимнинг сумкаси?

Сумка қора, ялтироқ, катта эди. Гўзал ёш жувон суюнганча оломон орасидан полициячи томон ташланди.

— Меники! Вой сиздан қанчалик миннатдорман!

Ялангоёқ ўғри ярим яланғоч, қўлга илинадиган нарсаси йўқ эди. Полициячи у қочиб кетмаслиги учун узун сочидан тутамлади. Ёш жувон аскар шими тешикларидан кир-чир бадани кўриниб турарди.

— Полициячи жувонга юзланди:

— Мен билан полиция бўлимига юрсангиз.

— Нимага? Сумка меники. Бу кимса уни қандай қўлимдан юлиб кетганини ҳамма кўрди.

— Суд учун кўргазмаларингизни ёзиб олиш зарур.

Полициячи ва ўғри олдинда, жувон орқада бўлишга кирдилар. Комиссар жувоннинг гапларини эшитиб, ўлакка ҳиди анқибетган ўғрига жирканиб қарарди.

— Хов, уят эмасми? Эшакдай соппа-соғ бўлсанг. Бундан кўра ишласанг ўласанми...

Ўғри бошини эгиб жим турарди.

— Нимага ўғирлик қила-

сан? А-а?..

Ўғри секин бошини кўтарди.

— Улар-чи, нима қилишяпти? — деди у.

— Учир овозингни!

Комиссар ёш жувонга мурожаат қилди:

— Хоним афанди, сумкангизда нималар бор эди?

— Пул, лаббўёқ, ойнача, упадон...

— Пул қанча эди?

Жувон индамади. Комиссар столда ётган сумкага қўл чўзди, аммо жувон уни тўхтатди:

— Очманг, илтимос. Сумкамда... рухсат этинг, ўзим. Бироқ комиссар сумкани олиб ичидаги бор нарсани лаббўёқ, ойнача, упадон, озгина майда танга ва... икки юз долларни тўқди.

— Долларни қаердан олдингиз? — сўради комиссар.

— Унга даъвом йўқ. — деди аёл тез ўғрини кўрсатиб. — Сумкани беринг мен кетаман.

— Доллар ҳақида сўраяман.

— Худойим-ей, қўйинг менга сумка керакмас. Майли сизларда қолаверсин. Мен энди борай.

— Кетмайсиз. Долларни қаердан олдингиз?

— Уларни менга эрталаб Элени хоним берганди.

Ўғри бошини кўтарди, комиссарга қараб мийингда кулди.

— Ўша Элени хоним қаерда яшайди?

— Жувон шивирлаб адресини айтди.

Комиссар, полициячи, ўғ-

ри ва жувон полиция машинасида Элени хонимникига жўнадилар. Улар биринчи хонадаёқ унча одоби бўлмаган ҳолатдаги жуфтга дуч келдилар. Комиссар кирган ҳамма олти хонадан шунақанги жуфтларни топди.

Комиссар Элени хонимга дағдага қилди:

— Аҳ-ҳа, биз олти ойдан бери қидриб тополмаётган исловтохона эгаси сен экансан-да?! Манови долларни қаердан олдинг?

(Ҳажвчи)

— Бир мижоз Ризабей берганди.

Ноқулай аҳволга тушган эркаклар қўйиб юборилди, चुки улар эркак эдилар. Аёллар эса, эркак эмас, балки аёл бўлгани учун Оҳирқопадаги насалхонага текширишга жўнатилди. Кейин комиссар, полициячи, ўғри, гўзал жувон ва Элени хоним полиция машинасида Ризабейникига қараб кетдилар. Ризабей яшайдиган уйнинг еттинчи қаватида қурилиш борарди.

— Нима қиляпсиз?

— Ҳеч нарса.

— Ҳеч нарса?! Манови қурувчи ишчилар, усталар нима? Демак, контрабанда билан уй қуриясиз!

Ўғри бошини кўтарди, комиссарга қаради ва тагин мийингда кулди. Ноқонуний уй қурилайётгани ҳақида ҳужжат тузилгач, комиссар Ризабейдан сўради:

— Мана бу долларни қаердан олдингиз?

АЗИЗ НЕСИН

— Уларни менга Алибей берди.

Комиссар ҳавфсизлик бошқармасига қўнғироқ қилди, ёпиқ юк машинаси сўради. Аввалги барча йўловчилар ва Ризабей машинага ўтиришди. Алибейникига бордилар.

Комиссар Алибейдан сўради:

— Мана бу долларларни Ризабейга сиз бердингизми?

— Ҳа.

— Нимага бердингиз?

— У менга қурилиш темирини сотганди.

Комиссар Ризабейга юзланди:

— Қурилиш темирими? Сизда рухсатнома борми? Йўқми? Хўш... Демак, темир билан чайқовчилик ҳам қиляпсиз...

Сўнгра Алибейдан сўради:

— Сиз бу долларни қаердан олдингиз?..

— Уларни кеча Хусайникида ютиб олгандим.

Ўғри ҳар доим эгик бошини кўтарди, комиссарга қараб мийингда кулди. Полициячи, комиссар, ўғри, гўзал жувон, Элени хоним, Ризабей ва Алибей юк машинасида чинқилар-да, Хусайникига жўнадилар.

Яшил мовут ёпилган столда ўн минг лир, ошпақ, қарталар ётарди. Қўлга тушган қиморбозлар прокурорга юборилгач, комиссар Хусайдан сўради:

— Манови долларни қаердан олдингиз?

— «Гемингезек» пароходи Америка рейсидан қайтди. Буларни менга Нури берди, у машинист бўлиб ишлайди.

Барча аввалги йўловчилар ва Хусайн юк машинасида чинқиб, Нурининг ёнига бордилар. Машинист Нурининг уйдан ўн кило тоза героин топилиди. Нури долларни Эҳсондан олганига иқрор бўлди. Эҳсон эса Босфор ёнидаги тепалик вилласида жиноят устида қўлга тушди. У шу ерда героини ишлаб чиқарар экан.

— Долларни кимдан олдинг?

— Реззандан.

— Реззан деганинг ким?

— У контрабанда йўли билан Бейрутдан аёлларнинг нейлон ички кийимини ташийди.

Ўғри секин бошини кўтарди, комиссарга қаради, мийингда кулди. Тагин юк машинасида чинқилар, бу гал Реззаникига йўл олишди.

Реззан долларни нейлон ички кийим ва чўмилиш костюми сотувчи Невин берганини айтди.

Бироқ у хотин уйида йўқ эди. У, одатдагидай, Париж ёки Римда изғиб юрарди.

Полициячи деди:

— Худога шукур-е. Шунис ҳам машинада бўш жой қолмовди.

Ўғри бошини кўтарди, комиссарга қаради, мийингда кулди.

Комиссар қичқирди:

— Хей, ўғри, менга қара. Тинимсиз ишлайишга бало борми? Аҳвол тушунарли, ановилар орасида энг тозаси сен.

Ўғирлик қилмоқчи бўлгани учун у судланди, уч ой қамоқда ўтирди.

Ҳозир у виждонан ишламоқда, аммо бирор жойда аёллар сумкасини кўриб қолса, моховдан қочгандай қочади.

Русчадан Ориф ФАРМОН таржимаси.

Муҳаррир

Зокир ОТАЕВ.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700029, Тошкент, Лопатия кўчаси, 1.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли басмадониси, 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

Телефонлар: Муҳаррир,

муҳаррир ўрибосари — 39-77-23, 37-23, 46-56 (ички).

«ПОСТДА» —

(«НА ПОСТУ») Орган коллегии МВД УзССР